

1741 йилда Тошкентда бўлган татар савдогари Шубай Арслоновнинг маълумотларидан: «Тошкент шаҳри калин паҳса девор ва зовур билан ўраб олинган. Шаҳар катталиги жихатидан Козонга тенг келади. Унинг ўн икки дарвозаси бор. Бу ерда иморатлар тартибсиз ҳолда, паҳса девор билан қурилган. Шаҳарда боғлар ва масжидлар кўп. Катта масжидларда ҳайит кунлари кўпчилик бўлиб намоз ўқилади. Дарвозалар олдида алоҳида хонада миршаб туради. Уларда тўп йўк, узокка отадиган милтик бор, ҳолос. Бундай милтиқлар Тошкентда ясалади.

Бу вақтларда Хондайлик, Хўжакент, Паркент, Заркент, Нушния, Номданак, Қорамурт, Чимкент ва Сайрам Тошкентга қарашли эди. Шаҳарни ўн кишидан иборат Қенгаш бошқарган. Ҳукумат қароргоҳи Қўкча дарвозаси ёнидаги қалъада иш юритади. Тошкент Бухоро, Самарқанд ва ўлкадаги бошқа шаҳарлардан ташқари Қашқар, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Русия ва бошқа жойлар билан савдо қилади. Тошкентдан Туркистонгача бўлган йўлни юк қарвони олти кунда босиб ўтган, Иргиз дарёсидан Ўфагача уч кун, Бухорогача ўн кун, Балхгача йигирма уч кун, Бадахшонгача ўн беш кун юрилган».

(Ҳамид Зиёев, «Тарих ўтмиш ва қелажак кўзгуси», Тошкент, Гафур Гулом нашриёти, 2000 йил, 63-64-бетлар)